

Ҳасан II масжиди



08:00 / 06.04.2021 2097

«Ҳасан II» масжиди Марокашнинг Касабланка шаҳрида жойлашган. Энг баланд минора бўйича дунёдаги иккинчи ўринда туради. Ҳозирда Африкада иккинчи поғонада турувчи энг катта амалдаги масжид ҳисобланиб, қатор жаҳон рекордларига эга. Масжид дунёдаги энг катта еттинчи масжиддир. Миноранинг юқори қисмида Макка томон йўналтирилган лазер мавжуд бўлиб, у ибодат қилувчиларга намоз ўқишга ёрдам беради.

Ушбу бинонинг Атлантика океани бўйлаб жойлашиши унинг тарихи учун муҳим аҳамиятга эга. Масжид номини олган қирол Ҳасан II марҳум қирол Муҳаммад V шарафига ибодат жойини фойдаланишга топширган. Бинонинг катта қисми қўлда ишланган. Дарҳақиқат, 60000 марокашлик ҳунармандлар масжидда қўлда ишланган мозаикалар, мармар плиталар, устунлар, гипс деталлари ва ёғоч шифтлар устида ишлаганлар. Ишчиларнинг умумий сони 30 мингдан кўп эди. Ушбу кучли меҳнат сабабли қад кўтарган масжид Марокашда бунёд этилган энг йирик меъморий лойиҳалардан бири ҳисобланади.

(Давоми бор)

Таржимон: Мунира Баҳодиржон қизи